

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

6/S-son (4-jild)

**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 5/6 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

<i>Умарханова Дилдора Шарипхановна</i> ЕВРОПА МИНТАҚАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	9-14
<i>Yakubova Iroda Bahramovna</i> MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA MUALLIFLAR O'RTASIDAGI FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABARTLAR.....	15-26
<i>Собирова Нозимахон</i> СИТУАЦИОННОЕ ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ АКАДЕМИЧЕСКОЙ НЕДОБРОСОВЕСТНОСТИ: РОЛЬ ОБУЧЕНИЯ, МОТИВАЦИИ И ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ К ОЦЕНКЕ .....	27-36
<i>Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли</i> ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ .....	37-45
<i>Турсунов Ойбек</i> ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА .....	46-53
<i>Ismoilova Aziza Alisher qizi</i> MEHNAT MUNOSABATLARIDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASHDA GENDER HUQUQIY EKSPERTIZA AHAMIYATI VA HUQUQIY MUAMMOLARI .....	54-60
<i>Safarova Shaxlo Pulatovna</i> YANGI O'ZBEKISTONNING HOZIRGI RIVOJLANISH DAVRIO'ZGARISHLARINING INSON HUQUQLARI TA'LIMINI AMALGA OSHIRISH VA RIVOJIGA TA'SIRI .....	61-67
<i>Akbaralieva Mukhayo Karamatullo kizi</i> CRIMINAL LIABILITY FOR KIDNAPPING IN FOREIGN COUNTRIES .....	68-71
<i>Valijonov Daler Dilshodovich</i> PROBLEMS OF COMBATING CORRUPTION: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND PRACTICE OF EU MEMBERS .....	72-76
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i> DAVLAT FUNKSIYALARI VA DAVLAT MOLIIYASI O'ZARO NISBATINING HUQUQIY MASALALARI .....	77-92
<i>To'xtayev O'ktamjon Zarifjon o'g'li</i> VAKILLIK INSTITUTINING FUQAROLIK-HUQUQIY TAHLILI .....	93-103
<i>Хайдарова Хилола Анваровна</i> НАСЛЕДОВАНИЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ...	104-109
<i>Рахмонова Мохичехра Нодирбек кизи</i> СУВЕРЕНИТЕТ И ЮРИСДИКЦИЯ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ .....	110-118
<i>Худайбердиева Шоҳиста Акмал қизи</i> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА	

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР .....	119-129
---	---------

*Alijonov Ayubjon Qobiljon o'g'li*

RAQAMLI IQTISODIY HAMKORLIKNI XALQARO TARTIBGA SOLISH .....	130-136
---	---------

*Fayzulloev Shohijaxon Jobirovich*

XALQARO SAVDODA NIZOLARNI HAL QILISH KONSEPSIYASINING RIVOJLANISHI: TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR.....	137-141
--	---------

*Fayzullaeva Shakhlo Jumaniyaz kizi*

ISSUES OF ONLINE DISPUTE RESOLUTION UNDER THE WTO .....	142-147
---	---------

*Raimov Elbek Bahodirovich*

OLIY TA'LIM TASHKILOTINING YURIDIK SHAXS SIFATIDAGI HUQUQIY MAQOMI.....	148-152
---	---------

*Alieva Kamola Ravshanovna*

OVERCOMING LEGAL BARRIERS TO ENHANCE WOMEN'S POLITICAL PARTICIPATION IN UZBEKISTAN .....	153-161
--	---------

*Juraeva Asal*

MECHANISM OF ENFORCING ICA AWARDS IN UZBEKISTAN .....	162-166
---	---------

*Rakhmonov Otabek*

THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE REORGANIZATION OF JOINT STOCK COMPANIES .....	167-171
--	---------

*Айбек Якубов*

ПРАВОВОЙ ПОРЯДОК РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И МЕЖДУНАРОДНО-ЧАСТНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В РАМКАХ ВСТУПЛЕНИЯ ВО ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ .....	172-178
--	---------

*Zoilboyev Javlon Karimjon o'g'li*

MA'MURIY SUD Hujjatlarini ijroga qaratishning huquqiy tartibi .....	179-184
---	---------

#### **07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Elmuratov Ortiq Oltiboy o'g'li*

TURONNING YUNON-MAKEDONLARGA QARAMLIK DAVRI ME'MORCHILIK AN'ANALARI.....	185-192
--	---------

*Baxtiyarov Sirojbek Ilxombek o'g'li*

URBANIZATSIYA TUSHUNCHASI, TURLARI VA UNING TAHLILI .....	193-199
---	---------

#### **08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Imamov Javokhir*

LEVERAGING INTERNATIONAL BEST PRACTICES FOR ESTABLISHING MODERN TECHNOLOGICAL INDUSTRIAL ZONES IN UZBEKISTAN .....	200-203
--	---------

#### **09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Shodmonova Shaxnoza Dadaxujayevna*

"TAHDID" FENOMENI VA UNING SIYOSIY JIHATLARI .....	204-209
--	---------

#### **10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI**

*Bawetdinov Mukhammeddin*

UZAQBAY PIRJANOVNING PEYZAJ LIRIKASI ..... 210-215

*Соҳибова Зарнигор*

ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ (ЗУЛФИЯ ИЖОДИ МИСОЛИДА) ..... 216-219

*Jonridova Sanobar Sherali qizi*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA IMPLIKATSION BIRLIKLAR TADQIQI ..... 220-224

*Sharipova Mokhidil*

PHONETIC CHARACTERISTICS OF ONOMATOPOEIC WORDS IN ENGLISH

LANGUAGE..... 225-231

### **13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI**

*Umarov Abdurasul Abdurahimovich*

PROFESSIONAL VA TEXNOLOGIK TA'LIM O'QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA KOMPAS-3D  
AVTOMATLASHGAN LOYIHALASH TIZIMINI QO'LLASH ..... 232-237

*Ro'ziyeva Nafosat Abdumumin qizi*

YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHDA ABDULLA AVLONIYNING AXLOQIY  
QARASHLARI ..... 238-245

*Qalandarova Maxliyo*

MOLIYAVIY SAVODXONLIKKA O'RGATISHDA O'QUVCHILARINING O'QUVBILISH  
FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISH ..... 246-251

*Чинқулова Гулмеҳра Баҳроновна*

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 252-258

*Ibragimova Venera Azadovna*

TIBBIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA KREDIT MODUL TIZIMI IMKONIYATLARI..... 259-264

*Turgunov Shuxratjon Nozimjon o'g'li*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA HAQORATNING FONETIK VA MORFOLOGIK SATHLARIDA  
IFODALANISHI ..... 265-269



**12.00.00 – YURIDIK FANLAR-LAW**

**Received:** 10 August 2024  
**Accepted:** 15 August 2024  
**Published:** 25 August 2024

*Article / Original Paper*

**DEVELOPMENT TRENDS OF INTERNATIONAL COOPERATION IN CRIMINAL MATTERS IN THE EUROPEAN REGION**

**Umarkhanova Dildora Sharipkhanovna**

Doctor of Law, Professor, Dean of the Faculty of International Law and Comparative Legislation  
Tashkent State University of Law<sup>1</sup>  
E-mail: dildora080@gmail.com

**Abstract.** The article analyzes the legal foundations of international cooperation in criminal matters in the European region. Conventions adopted within the framework of the Council of Europe and the European Union, their additional protocols, and other legal documents are examined. The content of the main documents regulating issues such as extradition, mutual legal assistance, and transfer of criminal proceedings is revealed. The significance of regional documents such as the European Arrest Warrant and the Benelux Convention is also emphasized.

**Keywords:** criminal cases, international cooperation, Council of Europe, European Union, extradition, mutual legal assistance, European Arrest Warrant.

**ЕВРОПА МИНТАҚАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Умарханова Дилдора Шарипхановна**

Юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети  
Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети декани

**Аннотация.** Мақолада Европа минтақасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи доирасида қабул қилинган конвенциялар, уларнинг қўшимча протоколлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилган. Экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, жиноят суд иш юритувини топшириш каби масалаларни тартибга солувчи асосий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, Европа қамоққа олиш ордери ва Бенилюкс конвенцияси каби минтақавий ҳужжатларнинг аҳамияти таъкидланган.

**Калит сўзлар:** жиноят ишлари, халқаро ҳамкорлик, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи, экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, Европа қамоққа олиш ордери.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI6Y2024N01>

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик институтининг муҳимлиги кўплаб минтақавий шартномалар имзоланганлиги билан ҳам изоҳланади. Ҳозирги вақтда бу соҳадаги шартномалар давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни

<sup>1</sup> Ушбу мақола ТДЮУда амалга ошириладиган Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури томонидан қўллаб-қувватланган “Европа Иттифоқи ҳуқуқи бўйича Жан Моне лойиҳаси (Jean Monnet Chair in EU Law #101048015- JMCEUL)” доирасида тайёрланди

мустаҳкамлашга йўналтирилган одат нормаларга айланиб қолди. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка тааллуқли минтақавий тизимлар амалда дунёнинг барча ҳудудларида ўз ўрнини эгаллаган.

Бизга маълумки, Европа қитъасида иккита йирик халқаро ташкилотлар – Европа Кенгаши ҳамда Европа Иттифоқи фаолият олиб боради. Ҳар иккаласи ҳам умумий шаклда инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш каби масалаларини тарғиб қилади. Дарҳақиқат, уларнинг вазифалари хилма-хил бўлса-да, фаолият жараёнида бир-бирини тўлдириб боради. Европа Кенгаши Европа давлатлари ҳукуматларини жамлаган ҳолда, турфа масалалар доирасида муттаҳид ҳуқуқий стандартларни қабул қилади. Европа Иттифоқи эса, аъзо давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш масалаларини тартибга солади. Унинг доирасида қабул қилинадиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ва келишувлар асосан Европа Кенгаши стандартларига таянган ҳолда қабул қилинади. Европа Кенгашининг кўп йиллик тажрибаси ва амалиёти кўпгина соҳаларда ўзининг фаолиятини кенгайтириш учун асос бўлди. Жумладан, жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалалари каби соҳалар ривожланди [1].

Европа минтақасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмлари узоқ тарихий жараён давомида шаклланган. Дастлаб, бу соҳадаги ҳамкорлик асосан икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилган бўлса, вақт ўтиши билан кўп томонлама конвенциялар ва минтақавий механизмлар ишлаб чиқилди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Европа Кенгаши доирасида қабул қилинган конвенциялар бу соҳада муҳим ўрин тутди. 1957 йилги Экстрадиция тўғрисидаги Европа конвенцияси, 1959 йилги Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси ва 1972 йилги Жиноят суд иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси каби ҳужжатлар бу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий ҳуқуқий базасини ташкил этди.

Европа Иттифоқининг шаклланиши ва ривожланиши билан жиноят ишлари бўйича ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. 1992 йилги Маастрихт шартномаси билан “Адлия ва ички ишлар соҳасидаги ҳамкорлик” Европа Иттифоқининг учинчи устун сифатида белгиланди. 1997 йилги Амстердам шартномаси эса бу соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди.

Европа Кенгаши томонидан жиноят иш юритуви борасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳақида халқаро шартномалари ишлаб чиқилган. “Экстрадиция тўғрисидаги Европа Конвенцияси” [2] иштирокчи давлат Конвенциянинг бошқа иштирокчи давлатларига тергов ҳаракатларини олиб бориш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб берилиши масалаларига бағишланган. Конвенция қоидалари сиёсий ёки ҳарбий жиноятлар содир этган шахсларга татбиқ этилмайди ва давлатларнинг ўз фуқароларини топширишни рад этиш масаласи ҳам кўзда тутилган. Солиқ, божхона ва валюта операциялари қоидаларини бузганликда айбланаётган шахсларни топшириш масаласи фақат давлатлар ўртасида ушбу жиноятларга оид махсус келишув мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу конвенцияга I қўшимча протоколда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган бир қанча янги қоидалар киритилган. Унга кўра, жиноятчиларни топшириш мумкин бўлмаган сиёсий жиноятлар рўйхатидан

ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар чиқарилган. Бундан ташқари, Протоколда жиноятчиларни топшириш ҳақидаги илтимосномаларни рад этишнинг қўшимча асослари кўрсатилган. Хусусан, *non bis in idem* (икки марта жазоламаслик) тамойилининг қўлланилиши масаласи батафсил белгилаб берилган.

Конвенциянинг II қўшимча протоколи асосан "Экстрадиция бўйича Европа конвенцияси"ни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган. Бунда жиноятчини топшириш учун асос бўладиган жиноятлар рўйхатига киритилган молиявий жиноятларга оид қоидалар аниқлаштирилган. Шунингдек, сиртдан ҳукм чиқариш ва афв этиш масалаларида ҳам янги қоидалар киритилган.

Конвенциянинг III қўшимча протоколи эса экстрадиция жараёнини енгиллаштириш ва тезлаштириш мақсадида шахснинг розилигини олган ҳолда уни топшириш тартибини белгилайди. IV қўшимча протоколи эса, конвенцияга бир қанча ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши орқали замонавий талабларга мослаштирилган. Мазкур нормалар асосан, муддатнинг ўтиши, талабнома ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ихтисослашув қоидаси, транзит ташиш, учинчи давлатга қайта экстрадиция қилиш ҳамда алоқа каналлари ва воситаларига боғлиқ бўлган масалалар ўз аксини топган [3].

"Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси" га [4] мувофиқ эса, давлатлар ўзаро жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини оладилар. Булар қаторига далилларни тўплаш ҳамда гувоҳ, эксперт ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш, чақирув қоғозларини топшириш каби масалаларда ёрдам беришлари назарда тутилган. Конвенциянинг амал қилиш доирасига суд ҳукмини ижро этиш, хибсга олиш ҳамда жиноий ҳаракат ҳисобланмайдиган ҳарбий уставни бузган шахсларни таъқиб қилиш киритилмаган. Конвенцияда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этишнинг иккита асослари белгиланган:

а) агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни талаб қилаётган давлат томонидан шахснинг қилмиши сиёсий ва молиявий жиноят сифатида баҳоланадиган (квалификация қилинадиган) ҳуқуқбузарликка тегишли бўлса;

б) агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни талаб қилаётган давлат учун сўровни бажариш унинг суверенитетига, хавфсизлигига, жамоат тартибини ёки мамлакатнинг бошқа муҳим манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлса [5].

Мазкур конвенциянинг Қўшимча протоколида [3] унинг Конвенцияда белгиланган молиявий жиноятлар учунгина амал қилиниши таъкидланган бўлиб, унга кўра, айрим ҳужжатларни етказиб бериш, суд ахбороти алмашинуви масалаларига аниқлик киритилган.

"Жиноят суд иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси"га [6] мувофиқ ҳар қандай Аҳдлашувчи давлат гумон қилинувчини ишини кўришни бошқа Аҳдланувчи давлатга тақдим қилиши мумкин, бу ўз навбатида талабнома юборилган давлат суд муҳокамасини ўтказиш учун сўровни қаноатлантиришни, агар жиноят бу давлат учун сиёсий характер касб этса ёки сўров гумон қилинувчининг ирқий, диний ёки миллий келиб чиқишига асосланган бўлса рад этиши мумкин.

Юқорида келтирилган Европа конвенциялари мисолида шуни кўриш мумкинки, давлатлар ўртасидаги янада яқин ва узлуксиз ҳамкорликни таъминловчи минтақавий ташкилотларнинг мавжудлиги халқаро шартномаларни тайёрлаш ва қўллашни

енгиллаштиради. Бироқ, кўзланган мақсадларни амалга оширишда айрим давлатларнинг манфаатларига зид келиши эҳтимоли мавжуд. Бундай тўсиқлар одатда шартномани ишлаб чиқиш жараёнидаёқ юзага келади.

Шунингдек, мазкур Европа конвенциялари ва уларга илова қилинган протоколларни давлатларaro ҳуқуқий ҳамкорлик ва юридик масалалар бўйича ўзаро фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган ҳужжатлар қаторига киритиш мумкин.

**2002 йилдан Европа Иттифоқининг барча аъзолари томонидан қамоққа олиш учун европа ордери жорий қилинган. Европа ордери қўлланилиши натижасида жиноят содир қилганликда гумонланаётганларни ушлаб бериш жараёнига кетадиган муддат Европа Иттифоқи бўйича ўртача 45 суткагача қисқартирилган, агарда ушланган шахс экстрадиция қилинишига қаршилик билдирмайдиган бўлса, бу жараён 18 суткагача қисқартирилиши мумкин. Европа ордери жорий қилингунга қадар экстрадиция жараёни ўртача 9 ойгача давом этар эди[7] Кўриниб турибдики, экстрадиция қилиш жараёни ва юридик расмийликни тартибга солишга кетадиган вақт орасидаги таъвофутни вужудга келиши юқорида этиб ўтилган европа ордери билан қисман бўлса ҳам бартараф қилинган [8].**

Европа мамлакатлари ўртасида мавжуд бўлган яна бир ҳужжат – 1962 йилги Экстрадиция ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Бенилюкс Конвенцияси бўлиб, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари томонидан имзоланган. Мазкур конвенция Европа конвенциясининг кўпчилик жиҳатларини ва қоидаларини ўзида акс эттиради. Лекин, унинг асосий моддалари имзолаган давлатлар ўртасидаги яқин муносабатларни ўзига хос хусусиятларини назарда тутди. Мазкур Конвенция томонлар ўртасидаги жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мавжуд аввалги шартномаларни қўллашни инкор қилади, албатта агар махсус декларация ёрдамида бошқа келишувлар мавжуд бўлмаса. Конвенциядан келиб чиқадиган ҳаракатларни амалга оширишда тўсқинлик қилиши ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмаслиги учун томонлардан ҳеч бири 1957 йилги Экстрадиция тўғрисидаги Европа конвенциясига қўшилмаган эди [9]. Ҳозирда мазкур давлатлар бир қанча қўшимча шартлар билан конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Европа Иттифоқи доирасида махсус институтлар ташкил этилди. 1998 йилда ташкил этилган Европол (Европа полиция бюроси) [10] аъзо давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. 2002 йилда эса Евроюст (Европа Иттифоқининг суд ҳамкорлиги бўйича органи)[11] ташкил этилди. Евроюст аъзо давлатларнинг прокуратура органлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, трансчегаравий жиноятларга қарши курашда мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади.

2017 йилда Европа прокуратураси ташкил этилди. Бу орган Европа Иттифоқининг молиявий манфаатларига қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш ва айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш ваколатига эга[12].

Глобаллашув ва технологик тараққиёт натижасида жиноятчиликнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Европа минтақасида бу каби жиноятларга қарши курашиш учун янги ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, 2001 йилда қабул қилинган Кибер жиноятчилиги тўғрисидаги конвенция (Будапешт конвенцияси) кибержиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этди[13]. 2005 йилги Терроризмни олдини олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси эса терроризмга қарши курашда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган[14].

Жиноят ишлари бўйича самарали ҳамкорлик кўп жиҳатдан тезкор ва ишончли маълумот алмашинувиға боғлиқ. Шу боис, Европа Иттифоқи доирасида бир қатор маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари яратилган. Булар қаторига Шенген ахборот тизими (SIS)[15], Визалар ахборот тизими (VIS)[16], Европол ахборот тизими[17] ва бошқаларни киритиш мумкин.

Айни пайтда, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. 2016 йилда қабул қилинган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги директива бу борада муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик доимий равишда ривожланиб, янги йўналишларни қамраб олмоқда. Масалан, сўнгги йилларда молиявий тергов, активларни қайтариш, экологик жиноятчиликка қарши кураш каби соҳаларда ҳамкорлик кучаймоқда.

2014 йилда қабул қилинган Жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни музлатиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги директива молиявий жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Европа минтақасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмлари узлуксиз ривожланиб бориши, бир томондан ҳамкорликни чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш, иккинчи томондан эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахсий маълумотларни муҳофаза этиш ўртасида мувозанатни сақлашга интилиш кузатилмоқда. Европа тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида минтақавий ёндашув юқори самара беради. Бунда умумий ҳуқуқий база, институционал механизмлар ва амалий воситаларнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, глобаллашув ва технологик ривожланиш шароитида жиноятчиликнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда ва бу жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмларини доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Европа минтақасидаги тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш бошқа минтақалар, жумладан Марказий Осиё давлатлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади[18].

Марказий Осиё давлатлари учун Европа минтақасидаги жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик тажрибаси ҳуқуқий база ва институционал механизмларни яратиш, ўзаро тан олиш принципини жорий этиш ҳамда янги технологиялардан фойдаланиш каби жиҳатлар ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Масалан, Европа Кенгаши конвенциялари асосида минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш. Бу борада 2019 йилда Қозоғистоннинг Европа Кенгашининг Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги конвенциясига қўшилиши ижобий қадам бўлди. Бундан ташқари, Европа қамоққа олиш ордери каби механизмларни Марказий Осиё шароитига мослаштириб қўллаш экстрадиция жараёнларини соддалаштириши мумкин. Хусусан, Электрон далиллар алмашинуви, видеоконференцалоқа орқали сўроқ ўтказиш каби

амалиётларни кенг жорий этиш орқали жиноятчиликнинг янги шаклларига қарши биргаликда курашишда ҳамкорликни кучайтиришига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳаси доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда Европа минтақаси етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Европа тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш бошқа минтақалар, жумладан Марказий Осиё давлатлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айти пайтда, ҳар бир минтақа ва давлат ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириб бориши лозим.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Европа Иттифоқи расмий сайти [Электрон ресурс]: <http://www.coe.int/ru/web/portal/european-union>
2. Экстрадиция тўғрисидаги Европа Конвенцияси. [Электрон ресурс]: [www.coe.int](http://www.coe.int)
3. Европа шартномалари базаси [Электрон ресурс]: <http://www.coe.int/>
4. Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа Конвенцияси. [Электрон ресурс]: [www.coe.int](http://www.coe.int)
5. Umarxanova, D. Sh. "Organization of the groups of investigation and operative investigation as a form of international cooperation on criminal cases." *Organization 6* (2018): 25-2018.
6. Жиноят суд иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Европа Конвенцияси. [Электрон ресурс]: [www.coe.int](http://www.coe.int)
7. Libor Klimek. European Arrest Warrant. – Springer International Publishing, Switzerland, 2015. –p.88.
8. [http://ec.europa.eu/justice\\_home/fsj/criminal/extradition/fsj\\_criminal\\_extradition\\_en.htm](http://ec.europa.eu/justice_home/fsj/criminal/extradition/fsj_criminal_extradition_en.htm)
9. Shearer I. A. Extradition in international law. – Manchester University Press, 1971. – p.53-54.
10. Европол расмий сайти [Электрон ресурс]: <https://www.europol.europa.eu/>
11. Еврожаст расмий сайти [Электрон ресурс]: <https://www.eurojust.europa.eu/>
12. Европа прокуратураси расмий сайти [Электрон ресурс]: <https://www.epro.europa.eu/en>
13. Кибер жиноятчилиги тўғрисидаги конвенция (Будапешт конвенцияси) [Электрон ресурс]: <https://www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention>
14. Терроризмни олдини олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси [Электрон ресурс]: <https://www.coe.int/en/web/impact-convention-human-rights/council-of-europe-convention-on-the-prevention-of-terrorism#/>
15. Шенген ахборот тизими (SIS) расмий сайти [Электрон ресурс]: [https://home-affairs.ec.europa.eu/policies/schengen-borders-and-visa/schengen-information-system\\_en](https://home-affairs.ec.europa.eu/policies/schengen-borders-and-visa/schengen-information-system_en)
16. Визалар ахборот тизими (VIS) расмий сайти [Электрон ресурс]: [https://home-affairs.ec.europa.eu/policies/schengen-borders-and-visa/visa-information-system\\_en](https://home-affairs.ec.europa.eu/policies/schengen-borders-and-visa/visa-information-system_en)
17. Европол ахборот тизими [Электрон ресурс]: <https://www.europol.europa.eu/operations-services-and-innovation/services-support/information-exchange/europol-information-system>
18. Умарханова, Д. (2020). Особенности видеоконференцсвязи как формы взаимной правовой помощи по уголовным делам. *Общество и инновации*, 1(2), 291-299.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/6 (4) – 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).